



Халқ сўзи

Ўзбекистон — Туркменистон: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 19-20 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Мамлакатимиз раҳбарининг ташрифи Ашхободда катта тайёргарлик кўрилган. Шаҳар аэропорти, кўчалари икки мамлакат байроқлари, ўзбек ва туркман тилларидаги кутлов сўзлари билан безатилган.

Ташрифнинг асосий воқеалари 19 октябрь кuni Ашхободдаги «Ўғузкент» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг тор доирадаги суҳбатидан бошланди. Ўзбекистон — Туркменистон муносабатларига доир кенг қўламли масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятта молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ислом Каримов ўзаро муносабатларни ҳар томонлама чуқурлаштириш борасида манфаатлар ва қарашларнинг муштараклиги, шунингдек, муҳокама қилинган деярли барча масалалар юзасидан позициялар ва ёндашувлар ўхшаш ва яқинлиги яна бир карра ўз тасдиғини топганини таъкидлади.


— Ўзбекистон Туркменистоннинг пухта ўйланган ташқи сийосат йўлини, минтақавий ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, минтақда савдо ҳамда иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, транспорт-коммуникация йўлақлари ва энергетика йўналишларини ривожлантиришга доир ҳолис ёндашувларини, асосли ташаббусларини изчил қўллаб-қувватлайди, — деди мамлакатимиз раҳбари.

Ўзбекистон раҳбари иқтисодий муносабатларга тўхталиб, дунёда муносивий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётганига қарамай, 2009 йилда икки томонлама савдо айланмаси қарийб 40 фоиз ўсганини, бунда биргаликдаги савб-ҳаракатлар ва кўрилган амалий чоралар, жумладан, Тошкент ва Ашхободда икки мамлакат миллий кўргазмаларининг ўтказилгани муҳим омил бўлганини қайд этди.

— Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида эркин савдо тартибини тўла жорий этиш мамлакатларимизда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг эркин ҳаракатланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш ва корхоналаримиз ўртасида кооперация алоқаларини кенгайтиришга хизмат қилади, — деди Ислом Каримов.

Мамлакатимиз раҳбари Ашхобод шаҳрида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобилларни сотиш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш бўйича Ўзбекистон — Туркменистон қўшма корхонасининг очилиши ҳўжалик субъектлари ўртасидаги тўғридан-тўғри ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги амалий қадам бўлганини қайд этди.

Ислом Каримов мамлакатимиз Туркменистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой газ қувури



қурилишига оид лойиҳанинг амалга оширилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганини таъкидлади. Мазкур қувур табиий газ учун барқарор транзит йўлағини шакллантириб, Марказий Осиё минтақасидан углеводород ҳам ашёси экспортини диверсификация қилиш имконини беради.

Ўзбекистон раҳбари минтақамиз коммуникация салоҳиятидан фойдаланишда мамлакатларимиз учун очилаётган истиқболли йўналишларга алоҳида эътибор қаратди.

— Бу ўринда гап Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Уммон — Қатар ва Форс кўрфазининг бошқа мамлакатлари орқали ўтадиган транспорт йўлағини ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳақида бўлмоқда, — деди Ислом Каримов.

— Бу масалани биз Туркменистон Президенти билан муҳокама қилдик ва мен бу лойиҳа, бу йўлак мамлакатларимиз катта эҳтиёж сезаётган коммуникация йўналишлари, жаҳон бозорига чиқиш учун улкан имкониятлар яратилиши мумкинлигини Туркменистон Президенти тўлиқ маъқуллаганидан мамнунман. Ушбу лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга оширишда Ўзбекистон ва Туркменистон ўзаро ишончли ҳамкор бўлади, деб таъкидламоқчиман. Бу оддий лойиҳа эмас. Ундан мам-

лакатларимиздан ташқари бошқа кўллаб давлатлар ҳам манфаат кўради. Ушбу лойиҳани амалга оширишда Туркменистон муҳим ўрин тутади. Агар Туркменистон мазкур ишни амалга оширишни бошласа, бошқа мамлакатлар ҳам уни қўллаб-қувватлашига ишонаман.

Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов Ўзбекистон — Туркменистон қўшма баёнотида имзо чекидилар. Мамлакатларимиз ҳукуматлари ўртасида маданий-гуманитар соҳада 2011 — 2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Ташрифнинг иккинчи кuni Президентлар Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов Туркменистоннинг Тошқовуз шаҳрига бордилар. Бу ерда 18 октябрь кuni Ўзбекистон ва Туркменистон халқларининг дўстлик фестивали бошланган эди. Унда Ўзбекистон ва Туркменистондан уч юздан зиёд санъаткор иштирок этаётгани анжуманининг кўлами нақадар кенг эканидан далолат беради. Фестиваль ўтаётган Сапармурод Туркманбоши номидаги сайилбоғ ҳар кuni меймонлар билан гавжум бўлди.

Бу ерда Президентлар халқ амалий санъати буюмлари, озик-овқат саноати маҳсулотлари кўргаз-

маси билан танишдилар. Чавандозлар, полвонлар ўз маҳоратини намойиш этди.

Туркменистон Президенти мамлакатимиз раҳбарига жаҳондаги энг ноёб ахалтеки зотидадан бўлган «Ғайрат» лақабли от совға қилди.

Тошқовуздаги «Рухият» саройида дўстлик фестивалининг асосий воқеаси — Ўзбекистон ва Туркменистон санъат усталарининг гала-концерти бўлди.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов мамлакатларимиз муносабатлари тарихида илк бор ташкил қилинган ушбу ижодий анжуман ўзбек ва туркман халқлари ўртасида маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

— Бугун барчамиз Туркменистоннинг сўлим гўшаларидан бири бўлган Тошқовуз шаҳрида ўзбек ва туркман халқларининг маданий ҳаётида катта из қолдирадиган тарихий бир воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз, — деди Ислом Каримов. — Ота-боболаримиздан қолган бир ҳикмат бор: агар қайси бир халқнинг табииоти, қалби ва юрагини билмоқчи бўлсанг, аввало, унинг маданияти, адабиёти ва санъатини билиш керак. Чиндан ҳам, ҳар бир халқнинг шоири ва бастакор-

ларни, бахшилари ва ижрочилари яратган асарларда шу элнинг қувончи, эзгу интилишлари, орзу-армонлари мужассам бўлади.

Туркменистоннинг миллий мумтоз санъати, жозибадор эстрада кўшиқларини эшитганимизда, туркман халқининг тобора обод ва фаровон бўлиб бораётган бугунги ҳаётини, унинг барча соҳаларда қўяётган дадил қадамларини, туркман ёшларининг азму шижоатини, сулув қизларининг назокатини ёрқин тасаввур қиламан. Ишончим комилки, мана шу ҳашиаматли залда ўтирган туркман дўстларимиз ҳам буюк ўзбек шоири Алишер Навоий асарларини ўқиганда, қуй ва кўшиқларимизни тинглаганда, элу юртимизнинг кечаги кунини, бугунги фаровон ҳаётини ёрқин тасаввур қиладилар, деб таъкидлади Ўзбекистон раҳбари.

— Неча асрларки, Ўзбекистон ва Туркменистон ҳудудларида ўзига хос маданият ва цивилизация намояндалари аҳил ва иноқ яшаб келмоқда, — деди Гурбангули Бердимухамедов. — Бу халқларимизга хос меҳр-оқибат, тинчлик-парварлик, очиқ кўнгиллик ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатларнинг намойиши бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, бундай фестиваллар ўзбек ва туркман халқларини бири-бирига янада яқинлаштиради. Бу форум Ўзбекистон ва Туркменистоннинг замонавий ва мумтоз санъати билан кенгроқ танишиш, ижодий мулоқотларни фаоллаштириш учун қулай имконият бўлди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Туркменистонга расмий ташрифи якунига етди. Ушбу ташриф Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари янада юксак босқичга кўтарилганидан ёрқин далолатдир. Ашхободдаги музокаралар ва Тошқовуздаги дўстлик фестивали мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик яхши қўшничилик, дўстлик ва қардошлиқ тамойиллари асосида ривожланиб бораётганини яна бир бор намойиш этди.

Анвар БОБОЕВ, ЎЗА махсус мухбири. Тошкент — Ашхобод — Тошқовуз — Тошкент

Алло АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

ЯНАДА ЮКСАК МАРРАЛАРНИ ЭГАЛЛАЙМИЗ

Президентимизнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўлаган табригидан ҳамкасбларимиз шанига билдирилган юксак эътибор ва эҳтиромдан бошимиз кўкка етди.

Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг гамҳўрлигидан барча фермер ҳўжаликларига ҳамиша баҳраманд бўлиб келмоқда. Айтайлик, Президентимиз қайси вилоятга бормасин, албатта, фермерлар билан учрашиб, дилдан суҳбатлашади. Уларнинг олдига тур-

ган долзарб масалалар ечими бўйича йўл-йўриқлар ва маслаҳатлар беради. Хусусан, жорий йилнинг 5 октябрида давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида ҳам ушбу анъанга содиқ қолиб, қишлоқ мулкдорлари

ҳаёти билан яқиндан танишган ҳолда, «Дехқонга зарур шароит яратиб бериш даркор. Шундагина у юксак натижаларга эриша олади. Уруғлик, ёқилғи-мойлаш материаллари, ўғит, имтиёзли кредит муаммоларини вақтида ҳал этиш зарур. Айниқса, Қорақалпоғистон шароитида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш лозим», дея алоҳида таъкидладилар.

Бизнинг фермер ҳўжалигимиз, мана, ўн йилдирки, шартномавий режани ортиги билан худдалаб келаятган экан, гапнинг очиги, бунинг замирида ана шу омилларнинг изчил

ижроси мужассам, десак, асло хато қилмаймиз. Гап шундаки, майдонимиз асосан шўрланган. Уни соз ҳолатга келтириш мақсадида мелиорация тадбирлари амалга оширилаётгани айна муддао бўлмоқда. Қолаверса,

агротехника юмушларини обитобида ўтказиш учун техника воситаларимиз етарли. Минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари таъминоти ва кредит муаммоларини ечимидан кўнглимиз тўқ. Буларнинг бари, табиийки, ҳўжалигимизнинг иқтисодий таъбирлар ривожланишини таъминламоқда. Масалан, жорий йилда ҳар гектаридан 48,2 центнердан пахта ҳосилини йиғиштириб олиб, шартнома режасини 291 фоизга

бажардик. Бу — ҳисоб рақамимизга 42,3 миллион сўм соф фойда тушади, дегандир.

Мақсадимиз битта: дехқончилик маданиятини ошириш, еримизни кенгайтириш, шўрхок майдонларни унумдор ерлар қаторига қўшиш орқали пахта ҳосилдорлигини янада кўпайтириш. Зеро, Президентимиз йўлаган табрик бизни бундан-да юксак марраларни забт этишга ундайди.

Мақсетбой ЕМБЕРТЕНОВ, Қилиқўл туманидаги «Ғанжебек» фермер ҳўжалиги раҳбари.

МАМЛАКАТ БҲЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Мақаллийлаштириш дастури самараси

БУХОРО. Бугунги кунда «Альфа Омега» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси томонидан мақаллий хом ашёдан тайёрланаётган тиббий шампунларга ички бозорда талаб ортиб бормоқда.

Яқинда корхона ўз фаолиятини кенгайтириб, радикулитга қарши белбоғлар ҳамда косметика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Натижада қўшимча 13 та иш ўрни яратилди.

Таъкидлаш керакки, жорий йилнинг тўққиз ойида Мақаллийлаштириш дастури асосида вилоятдаги бир қатор корхоналар томонидан 20,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Натижада 11,9 миллион АҚШ долларлик маблағ тежаб қолинди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тадбиркор ташаббуси

НАВОЙЙ. Қизилтепа туманидаги Ғардийн қишлоғилик тадбиркор Ҳамроқул Кенжаев ўз жамғармаси ҳамда банкдан олган 48 миллион сўмлик кредити ҳисобига ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Нодиржон Бобур Ботирбек» корхонасини ташкил қилди.

Ҳозир бу ерда янги технологиялар ёрдамида ойига 17 тоннагача сифатли макарон маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Айтиш керакки, жорий йилнинг ўтган даврида тумандаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 11 миллиард 400 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 29,6 фоизга қўлғир.

Х. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Пишиқ, бежирим ва арзон

АНДИЖОН. Пахтаобод туманидаги «Отхон Мадумарова» хусусий корхонасида йилга 300 минг жуфт пайпоқ ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги лойиҳа амалга оширилди.

Бунинг учун корхонанинг 90 миллион сўмлик маблағи ҳамда банкдан олинган 20 миллион сўмлик кредит сарфланди. Айни пайтда 15 та қўшимча иш ўрни очилган корхонада мақаллий хом ашёдан тайёрланаётган сифатли маҳсулотлар ички бозорда ўз хариддорини топмоқда.

Таъкидлаш керакки, вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида янги корхоналарни ташкил этиш ва мавжудлари фаолиятини кенгайтириш ҳисобига 42 минг 800 та янги иш ўрни яратилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУГУРТА БОЗОРИ ҚОНУНЧИЛИГИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг давра суҳбати бўлиб ўтди. Сугурта бозорининг жорий ҳолати ва истиқболга бағишланган тадбирда тегишли вазирлик ҳамда идоралар вакиллари, сугурта бозорининг профессионал иштирокчилари, экспертлар ва мутахассислар қатнашди.

Сир эмаски, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида вужудга келган муаммолар дунёнинг бир қатор ривожланган давлатлари иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатди. Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида олиб борилган қатор ислоҳотлар, эътироз эриштирилди. Сугурта бозорининг жорий ҳолати ва истиқболга бағишланган тадбирда тегишли вазирлик ҳамда идоралар вакиллари, сугурта бозорининг профессионал иштирокчилари, экспертлар ва мутахассислар қатнашди.

Парламентдаги муҳбирларимиз хабар қиладилар.

Конуни сугурта бозори ривожланишининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади. Бугунги кунда мамлакатимизда 33 та сугурта компанияси, шу жумладан, битта қайта сугурталаш компанияси, 3 та сугурта брокери, 5 та сугурта ассистанс (хизмат кўрсатиш) компанияси ва 2 та актуар ташкилоти фаолият юритаётган. Дастлабки маълумотларга кўра, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида сугурта компаниялар йиққан сугурта муқофоти ҳажми 120 млрд. сўмга етди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 20 фоизга кўпдир. Сугурта тўловлари эса 18,7 млрд. сўмни ташкил этиб, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 23 фоизга зиёддир.

— Мазкур соҳанинг изчил ривожланиши унинг қонунчилик базасини янада такомиллаштириши тақозо этмоқда, — дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Н. Алимов. — Шу боис "Сугурта фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан парламент қўйи палатасига тақдим этилди ҳамда ҳозирда Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасида депутатлар, вазирлик ва идоралар вакиллари, сугурта компаниялари, экспертлар, сугурта бозорининг профессионал иштирокчилари уюшмаси вакиллари ҳамкорлигида аҳолига қўриб чиқилмоқда. Эътиборли томони, ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг "Сугурта фаолияти тўғрисида"ги Қонуни айрим қисмларида қайта тасвирланди.

Модда ва нормаларнинг Фуқаролик кодекси, "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан бир хилда қўлланилиши таъминлаш мақсадида киритилмоқда. Давра суҳбатида қўмита томонидан мазкур лойиҳани такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар муҳомама этилди. Тадбир иштирокчилари қайд этганидек, ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши сугурталовчилар фаолиятидаги айрим номутаносибликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Зиёда АШУРОВА.

ИННОВАЦИЯЛАР — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Мамлакатимизда инновацион лойиҳаларни тайёрлаш, уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент автомобиль-йўллари институти қошида шу мақсадда ташкил этилган Инновацион технологиялар ва экологик новациялар марказида янги лойиҳалар тайёрланиб, саноатга жорий этилаётгани ҳам шундан далolat бериб турибди.

Шу пайтгача бу ерда автотранспорт, йўл қурилиши, иқтисодий бошқарув, логистика, транспорт экологияси йўналишлари бўйича 40 га яқин инновацион лойиҳа ишлаб чиқилган. Муҳими, уларнинг аксарияти ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш суръатларининг ўсишига замин ҳозирлаётган.

Эътиборли хабар қиладилар.

Шунингдек, тадбирда институт олим ва мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган янги инновацион лойиҳаларнинг тақдирини бўлиб ўтди. Хусусан, транспорт воситаларида табиғий газдан фойдаланиш, автомобиль қорхоналарида тўпланиб қолаётган лок-бўёқ чиқиндисини зарарсизлантириш, кўчалардаги автомобиль тирбандлигини камайтириш, табиғий офатга чидамли кўприклар лойиҳалари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, лок-бўёқ чиқиндисини зарарсизлантириш технологияси тадбир қатнашчилари ва мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Зеро, ҳозир Самарқанд ва Андижон автомобиль заводларида йилга 200 миң донна турли русумдаги автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда. Уларга ранг бериш чоғида бир қисм бўёқ чиқинди ҳолига келади. Масалан, Самарқанд автомобиль заводларида ҳар йили 30-50 тонна ана шундай чиқинди ҳосил бўлмоқда. Тақдим этилган инновацион лойиҳа ана шу масалани ҳал этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Тадбирда Тошкент автомобиль-йўллари институти мутахассисолимлари томонидан яратилган инновацион лойиҳаларни манфаатдор қорхоналар фаолиятига жорий қилиш тавсия этилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ.

Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасига қарашли Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида давра суҳбати бўлиб ўтди. Баркамол авлод йиллида вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар самарасига бағишланган мазкур анжуманда болалар тарбиясига масъул бўлган ташкилот ва идоралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

БОЛА ОДОБИ БИЛАН АЗИЗ

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлганлар 10 миллион 360 миң нафарни ёки умумий аҳолининг 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 17 миллион 80 миң нафарни ёки аҳолининг 64 фоизини ташкил этади. Шу боис уларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етиши учун зарур шарт-шароит ва қулайликлар яратиш давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда.

Тадбирда болалар тарбияси билан шуғулланиши изчиллик билан давом эттириш ҳамда бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтиришга келишиб олинди.

Умуман олганда, бундай сай-ҳаракатлар туғилиши вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик сезиларли даражада камаймоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида вояга етмаганлар жиноятчилиги 5,1 фоизга пасайгани ҳам шундан далolat бериб турибди.

Тадбирда болалар тарбияси билан шуғулланиши изчиллик билан давом эттириш ҳамда бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтиришга келишиб олинди.

Ш. ХОЛТЎРАЕВ.

Қонуни сугурта бозори ривожланишининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади. Бугунги кунда мамлакатимизда 33 та сугурта компанияси, шу жумладан, битта қайта сугурталаш компанияси, 3 та сугурта брокери, 5 та сугурта ассистанс (хизмат кўрсатиш) компанияси ва 2 та актуар ташкилоти фаолият юритаётган. Дастлабки маълумотларга кўра, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида сугурта компаниялар йиққан сугурта муқофоти ҳажми 120 млрд. сўмга етди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 20 фоизга кўпдир. Сугурта тўловлари эса 18,7 млрд. сўмни ташкил этиб, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 23 фоизга зиёддир.

Мамлакатимизда саноатни рағбатлантириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш, шу орқали дунё бозорига чиқиш масалаларига катта эътибор қаратиляпти. Маҳаллий хом ашё асосида ишловчи қорхоналарнинг қишлоқ жойларда ҳам барпо этилаётгани эса айни мuddао бўлмоқда.

ҚИШЛОҚНИНГ ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАРИ

Бунда эса, табиғийки, қишлоқ тадбиркорларининг қатъияти, ғайрат-шижоати, қийинчиликлардан қўчимаслиги муҳим роль ўйнаётган. Хусусан, Шофиркон туманидаги Шамширғорон қишлоғида яшовчи Қиём Қўлдошев ана шундай ишбилармонларнинг биридир.

— Мен каби тадбиркорларнинг ўз мақсадларига эришишларида Юртбошимизнинг ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари қўл-қанот бўлаётган, — дейди у. — Ҳозир мен раҳбарлик қилаётган "Шофиркон экваториалтек" масъулия чекланган жамияти ўрнида илгари қўшма қорхона ширкати бўлиб, аммо айрим сабабларга кўра, унинг фаолияти тўхтаб қолганди.

Ана шундай қийин паллада Қиём ака руҳан тушқунликка тушмади. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, янги иш ўринлари барпо этиш ҳақида ўйлади. Маҳаллий хом ашёдан экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш ўй-факри унга тинчлик бермади. Елиб-югуриб, мулк шакинни ўзгартирди. Банкдан 50 миллион сўм миқдорда кредит олинди. Шу тариқа "Шофиркон экваториалтек" масъулия чекланган жамияти барпо этилди. Бу ерда болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Сукунат чўккан целларда ҳаёт қайнаб бошлади. Ҳозир қорхонада меҳнат қилаётган 92 кишининг деярли барчаси қишлоқ қизлари. Ваҳоланки, жамият фаолияти йўлга қўйилганда, улар сони ўттиз нафардан иборат эди, холос.

— Тикув машиналаримизнинг барчаси замонавий, Японияда ишлаб чиқарилган, — дейди қорхона илчиси Хилола Холова. — Қорхонамиз тамғаси туширилган кийим-кечаклар экспорт ҳам қилинаёпти.

Истам ИБРОХИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ФЕРМЕРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚОРХОНАСИ

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Пировардида шаҳару қишлоқларимизда техник ва технологик жиҳатдан тўқис, қисқача айтганда, замонавий қорхоналар сони ортиб бораётган. Уларнинг сифатли маҳсулотлари эса бозору дўконларимиз расталарини тўлдирмоқда, энг муҳими, эл қорига яраяпти, турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.



Ана шундай қорхоналардан бири яқинда Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус туманида "Қўнғиротбой-Меҳри" фермер хўжалиги негизида ташкил этилди. Бу ерда Италиядан келтирилган технологик линия ёрдамида бир кеча-кундузда 500 литр гача сутни қайта ишлаш мумкин. Қорхонанинг хуштам маҳсулотлари қисқа вақт ичида харидорлар эътиборини қозонди. Жорий йилда фермер хўжалигида сут ва гўшт етиштириш ҳажминини кескин ошириш мақсад қилингани эса озик-овқат маҳсулотларини янада кўпайтириш, шу орқали қорхонанинг жадал равиқ топishi учун замин яратилиши шубҳа йўқ.

СУРАТДА: қорхона илчиси Алписбай Ибадуллоев.

ИЗЛАНИШ

Мамлакатимизда қурилиш жабҳасидаги ислохотлар соҳанинг жадал ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 19 июндаги "Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Наманган вилоятида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

ИМКОНИЯТ, ИМТИЁЗ ВА ЯНГИЛАНИШ

Айтиш керакки, яқин-яқингача бу вилоятдаги мавжуд гишт ишлаб чиқарувчи қорхоналарда маънавий жиҳатдан эскирган технологиялардан фойдаланилар эди. Жумладан, 2008 йил якунларида кўра, шу йўналишдаги 26 та қорхонада лойиҳадаги 167 миллион донна ўрнига 29,5 миллион донна гишт тайёрланганилиги, табиғий равишда, тармоқни модернизация қилиш масаласини кун тартибига қўйди. Мана шундай бир пайтда давлатимиз раҳбари томонидан соҳани ривожлантириш юзасидан яратиб берилган янги имконият ва имтиёзлар муаммолар ечимига йўл очди.

— Юртбошимизнинг юқоридagi қарори асосида ишлаб чиқилган худудий дастурга мувофиқ, 2011 йил охирига қадар 22 та гишт қорхонасида технологик янгиликларни амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, шунга кўра, уларнинг йиллик қуввати 123 миллион доннага етказилади, — дейди вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси масъул ходими Нурилло Нетьметов. — Бундан ташқари, умумий қуввати 73 миллион донна

дан иборат 13 та янги қорхона барпо этиш юзасидан ишлар олиб борилмоқда. Буларнинг бари келгусида вилоятда ушбу қурилиш ашёсига бўлган талабни тўла қондиради. Мазкур дастур ижроси, айни пайтда, ўзининг дастлабки самараларини бераётган. Жумладан, 28 миллион доннагача пишиқ гишт ишлаб чиқариш қувватига эга тўртта янги қорхона ишга туширилди. Ҳозирги кунда уларда 112 киши меҳнат қилмоқда.

Ҳ. ПАЙДОНОВ олган сурат.

СОҒЛОМ АЁЛ — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Ушбу машғулотларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги онкологик диспансерлар, тиббиёт муассасалари, перинатал, скрининг марказларининг етакчи мутахассислари, шифокорлар, руҳшунослар қатнашмоқда. Тадбир доирасида хорижлик мутахассислар иштирокида маҳорат дars-лари ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Анжуманнинг очилишида таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилётган изчил ислохотлар самараси ўлароқ, жойларда тиббий хизмат сифати тора яхшиланиб бормоқда. Айниқса, она ва бола саломатлигини муҳофазалаш, уларга юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, кенг жамоатчилик орасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкам қарор топтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Тадбирда мутахассислар томонидан аёлларда учрайдиган саратон хасталиги, айниқса, кўкрак саратонининг олдини олиш, уни барвақт аниқлаш ва даволашга эришиш, профилактик чоралар қўллаш муҳим аҳамият касб этиши ҳақида сўз юритилди.

Гулбаҳор МЎМИНОВА.

Анжуман

Ислохот

620 килограмм кўмир сарфларди. Айланасимон технология қўлланилганда, 100 килограмм нефть қолдиғи ва 150 килограмм кўмир ишлатилаяпти, холос. Турган гапки, таннарх сезиларли даражада — 22 фоизга пасайиб, ёқили сарфи эса 20 фоизгача камайди. — Янги лойиҳа асосида ҳорридан 81 миң АҚШ долларилек янги технология сотиб олаёмиз, — дейди Поп туманидаги "Кровля" қорхонаси раҳбари У. Имомназаров. — Ушга тушган, қорхонамиз қуввати 7 миллион доннагача кўтарилади. Бу ерда меҳнат қилаётганлар сони эса 130 кишига етади.

Micros® Ўзбекистондаги расмий ҳамкори

CAS Corporation (Жанубий Корея)

ТАРОЗИ ТАРОЗИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ, ТАМҒАЛАШ УЧУН УСКУНАЛАР, ҲАМДА ШТРИХКОДЛАШ.

БИЗ ДУНЁНИ ЎЛЧАЙМИЗ!

ПУСУМ SW **ПУСУМ AD** **ПУСУМ DL** **ПУСУМ HERCULES**

БОЗОРЛАР УЧУН МАХСУС ТАКЛИФ
CAS ТАРОЗИЛАРИ ҲАМДА БИЗДА!

Тошкент шаҳри:
- Кичик Бешёғоч кўчаси, 86. Тел.: (998 71) 281-43-64, 281-47-24, факс: (998 71) 281-43-65;
- С. Азимов кўчаси, 72-«А». Тел.: (998 71) 236-04-49, факс: 232-06-85.
www.micros.uz; e-mail: micros@ucd.uz, scales@ucd.uz
Интернет-дўкон: www.shop.micros.uz Маҳсулот сертификатланган.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИ ВА УСКУНАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТЛИ ТАЪМИНОТЧИСИ

ROAD INTERNATIONAL **Жанубий Кореянинг «Road International Co., Ltd» компанияси қуйидаги қурилиш техникалари ва ускуналарини таклиф қилади:**

HYUNDAI компаниясида ишлаб чиқарилган:

- экскаваторлар ва улар учун мосламалар;
- катта ҳажмли ва санчки мосламали юкловчилар;
- самосваллар, ёқилги ташувчи ва автокранлар;
- трейлерлар ҳамда совутқичли авторефрижераторлар;
- бетономиксерлар ва автобетононасослар

ҲАМДА муқим ва кўчма шаклдаги:

- асфальт тайёрлаш заводи;
- бетон тайёрлаш заводи;
- тош майдалаш ва кум ишлаб чиқариш заводи (100 - 600 т/соат).

БУЮРТМА БЎЙИЧА ИШЛАЙМИЗ.
Мижозларимиз учун молиявий масалаларда қулай шартларни таклиф қиламиз.

Ваколатхона манзили:
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 14-уй, «Germilea» биноси.
Мўлжал — Тошкент фармацевтика институти.

Тел./факс: (+99871) 140-10-91, 140-10-92.
Жавобгар шахс — Дилмурод Убайдуллаев.
Электрон почта: rico2008@mail.ru
Веб-манзил: www.rico21.com

al-rami

Сизнинг тўғри танловингиз!

1. Металл конструкциялар, фермалар ва турли хил металл буюмларни тайёрлаш ҳамда монтаж қилиш.
2. Тўхташ жойлари томи учун турли хил том ёпқичларини тайёрлаш ва монтаж қилиш, атриумлар, усти ёпқич бассейнлар, зенит ёритқичлар ва ишлаб чиқариш хоналарини сендвич-панеллар билан қоплаш.
3. Биноларнинг олд томонини (фасад) травертин, мрамор, керамогранит ва алюкобонд билан қоплаш.
4. Турли хил конструкциялар.
5. Шишали витриналарни тайёрлаш ва ўрнатиш (профилсиз тизим).
6. Аллюминий ва пластик профилдан тайёрланган деразалар, эшиклар ҳамда витрина тизимлари.

al-rami.uz
al-rami@inbox.ru
Тел.: 178-44-65. 187-44-65. Факс: 295-41-53.

ЗАВОД ТТЕМЗ ИЗГОТАВЛИВАЕТ И РЕАЛИЗУЕТ:

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

Товар сертифицирован

Теперь вся продукция и в ЛИЗИНГ

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

- максимальная грузоподъемность — 8 т.
- максимальная длина стрелы — 30 м (с кареткой).
- максимальная высота подъема горизонтально — 41,5 м, наклонно — 57,5 м.

АВТОКРАНЫ

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ

- максимальная грузоподъемность — 14 т.
- максимальная высота подъема — 14,5 м.

КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ

- максимальная грузоподъемность — 16 т.
- максимальная высота подъема — 25 м (с гуськом).

КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ

- максимальная грузоподъемность — 25 т.
- максимальная высота подъема — 30 м (с гуськом).

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

АВТОЦИСТЕРНЫ И АВТОТОПЛИВО-ЗАПРАВЩИКИ

Объемом 8 м³ и 12 м³ на шасси MAN, КАМАЗ, МАЗ.

Товар сертифицирован

Под заказ

КРАНОМАНИПУЛЯТОРЫ И АВТОВЫШКИ на шасси: ISUZU, КАМАЗ, МАЗ и др.

МОДЕЛЬ	высота подъема люльки	грузоподъемность
KRANTAS - 335	15 м	3,2 т
KRANTAS - 736	21,5 м	6 т

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05. Факс: 262-23-61, 269-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

Сизнинг таклифномангиз

САИТМЕ 6-МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ

ТЎҚИМАЧИЛИК УСКУНАЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

4-6 ноябрь 2010
«Узаксомарказ», Тошкент, Ўзбекистон

МАЗКУР СУРОВНОМАНИ БОСМА ҲАРФЛАР БИЛАН ТУЛДИРИНГ

ФИО / Исм-шарифингиз _____
Организация / Корхона _____ Даржа / Лавозимингиз _____
Адрес / Манзил _____ Тел. _____
Товар / Шаҳар _____ Страна / Давлат _____

ТЕКСТИЛЬ ЭКСПО ЎЗБЕКИСТОН

Ташкилотчи: www.caitme.uz www.ite-uzbekistan.uz

Тел.: (+998 71) 113 01 80, факс: (+998 71) 252 51 64, E-mail: post@ite-uzbekistan.uz

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.

ИП ООО «РАКНТАКАВЕЛ ЗАВОДИ»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ кабельно-проводниковую продукцию

- Кабели силовые с пластмассовой изоляцией марки АВВГ, ВВГ
- Самонесущие провода СИП-2А
- Провода бытового назначения АПУНП, ПУНП, АПБН, АПУН
- Провода установочные АПВ, АПВВ
- Провода неизолированные из алюминия марки А
- Провода неизолированные со стальным сердечником марки АС

Специальные предложения по неизолированным проводам марок А и АС от 16 мм² до 600 мм².

Адрес: 100097, г. Ташкент, ул. Уста Ширин, 136.
Тел./факс: (+998 71) 238-07-76, 248-48-51.
Телефоны: (+998 97) 489-65-23, (+998 98) 304-00-94.

E-mail: pakhtakabel@mail.ru

МАДАНИЯТ

хабарлари

Урганч шаҳрида "Янги авлод" республика болалар ижодиёт фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Ёш истеъодлар баҳси

Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси ҳамда "Камалак" болалар ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўриқда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 450 нафардан ортиқ ўғил-қиз қатнашди.

Тадбир якунида иштирокчилар орасидан 23 нафари голиб, деб топилди. Эндликда улар фестивалнинг республика босқичида қатнашадилар.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Маънавият тарғиботчилари танлови

Нукусда олий ўқув юртлири ўтказилган "Энг фаол маънавият тарғиботчиси" кўриқ-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.

Унинг қатнашчилари 14 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Танлов якунида Қорақалпоқ давлат университети доценти Алмагул Байриева голиб деб топилди.

Х. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлоний халқ тили "Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини намён эътидо", деган эдилар. Дарҳақиқат, халқни — халқ, миллатни — миллат сифатида кўрсатадиган омиллардан бири, бу — миллий тилдир.

нинг вакиллари Давлат тили мақомидаги ўзбек тилини ўргатишлари учун қулай шароитлар яратишга киришилди. Ташкилотлар, муассасалар, корхоналар қошида ўзбек тилини ўргатиш курслари ташкил этилди.

ҳам мавжуд. Бу сўзлар бутун дунёда ишлатилади. Улар бизни инсониятга чуқур боғлаб туради. Бугунга келиб, миллий тилимиз жаҳон тараққийнинг узвий, таркибий бир қисми эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

Истиқлол йилларида она тилимиз нуфузи яна ҳам ошиб, унинг мазмун-моҳияти, жаҳон цивилизациясидаги ўрни юксалиб бормоқда.

— Бу айтишга осон, холос. Қизил салтанатнинг мустақиллик назорати кучли бир шароитда миллий тилга Давлат тили мақоми талаб қилиб чиқиш, бу — уша пайтдаги тузум шароитида жуда катта жасорат эди, — дейди биз билан суҳбатда атоқли ўзбек тилшуноси, Ўзбекистон Миллий университетининг кекса мураббийларидан бири, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиби Шавкат РАҲМАТУЛЛАЕВ.

малар ва тушунчалар тизими вужудга келди.

Айни пайтда Президентимиз ташаббуси билан Олий Мажлисда Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиясининг тузилиши парламентимиз томонидан қабул қилинган қонунлар тилининг давр талаблари даражасида бўлишига хизмат қилмоқда.

Истиқлол йилларида, шунингдек, ўзбек тилининг кўп жилдли изоҳли ва этимологик лугатлари яратилди. Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашр этилди. Булар тилимиз салмоғини белгилайди.

Шу билан бирга, айтиб ўтишимиз керакки, 1995 йилнинг 21 декабрида Олий Мажлис томонидан тилимизга Давлат тили мақоми берган Давлат тили мақоми берган давлатлиқ қонун айрим ўзгартиш ва қўшимчалар билан, янги таҳрирда қабул қилинди.

— Энди, устоз, ана шу Қонуннинг тарихий зарурати хусусида тўхталиб ўтсангиз.

— Мазкур Қонун она тилимизнинг мавқеини тиклаш, унинг жамиятимиз ҳаётида Давлат тили сифатида амал қилиши учун кенг имкониятлар яратди. Худди шу Қонун манбаида Ватанимизда барча иш юритиш ҳужжатлари, муҳрлар ва тамгалар ўзбек тилига қўйилди.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлири учун дарсликлар, ўқув қўлланмаларини миллий тилда яратиш йўлга қўйилди. Шу масалада танловлар эълон қилинди.

Айни пайтда ана шу Қонун асосида мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элатлар-

соатлари қўпайтирилди. Бу тадбирлар бугунга келиб ўз самарасини бермоқда.

— Чиндан ҳам, юқоридаги Қонун манбаида, айниқса, Истиқлол даврига келиб, тилимизнинг ижтимоий ҳаётдаги нуфузини ошириш йўлида катта ишлар қилинди. Айни пайтда бевосита ўзбек тили-

рини юзага чикарди. Айнан Мустақиллик даврида девон, маҳкама, вазирилик, вилоят, котибият, туман, мафкура, мезон, режа, фоиз, танлов, матн, мавзу, маъруза каби мустақиллик даврида инкор этилган қадимги сўзлар лугатимизга қайтди. Айни пайтда, хорижий локализация сўзи ма-

Шу маънода, Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобидаги қўйидаги фикрларни ёдга олишимиз керак ва зарур:

"Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келатган бебаҳо бойлиқнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишларимиз зарур. Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланлиш доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий лугатлар нашр этиши, зарур атамалар ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзлигини, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз".

рига анча-мунча сўзлар ўтиб, уларнинг лугат бойлигига айланган. Бугун ҳам бу жараён давом этаётти. Бунга қўллаб-қувватлов келтирсак бўлади. Масалан, Олий Мажлиси-

миз номи дунё оммавий ахборот воситаларида тез-тез тилга олинади. Ёки Мустақиллик даврида ўзбек курашининг довури оламга ёйилиб, бошқа мамлакатларнинг спорт майдонларида "кураш", "ёнбош", "чала", "ҳалол", "ғирром", "голиб" деган тушунчалар баралла жаранглаяпти. Яна бир мисол: яқинда ўзбек астрономлари чексиз кичик бағрида янги кичик сайёрага номи топилди. Унга Президентимиз так-

лифи билан "Самарқанд" деган ном берилди. Энди "Самарқанд" фақат жой атамасигина бўлиб қолмасдан, у астрономия илмида ҳам таркибий бир тушунча, сайёра номи сифатида дунё миқёсида абадий тилга олинади.

Юқоридаги далиллар йирик бир ҳақиқатни исботлайди: қайсики халқ умуминсоният тамаддунига ўзидан ниманидир қўшса, ўзини инсоният оламида баралла кўрсата олса, бу унинг тилига ҳам парвоз бағишлайди. Демак, халқ ривожланиши, тил ривожланиши. Мустақиллик эса ўзбек халқини дунёга кўрсатди. Мустақилликда ривожланганимиз сари халқимизнинг тили ва бу тилдаги бойлиқлар ҳам аста-секин жаҳонда ўзининг салмоқли нуфузи, мавқеини топиб бораверади.

М. САҲАРОВ суҳбатлашди.

21 октябрь — «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинган кун

нинг ўз дунёсида, унинг лугат бойлигида ўтган йиллар мобайнида бойиш ва ривожланиш юз берди.

— Мустақил тараққийимиз тарихида "ўтиш даври" деган бир босқич бор.

Утиш даврини тил изоҳотларида ҳам бошимиздан кечирдик. Истиқлолнинг илк йилларида бу борада эхтирослар авж олиб, ўзбек тилини ёппасига миллийлаштириш шiori майдонга ташланди. Қолбуки, бунга киришилса, тилимиз бор бойлигидан, тарих синовларидан ўтган хазинасидан айрилди. Ахир асрлар мобайнида ўзбек тили арабча, форсча, мўғулча ва бошқа Шарқ тилларидан беҳисоб сўзларни ўз бисотига олган. Масалан, миллий муомаламизга офтоб, замин, мажлис, мактаб, китоб, дафтар, гиёҳ, сийёҳ, лаҳза, лаҳжа, туман каби Шарқ халқларининг сўзлари шу қадар сингиб кетганки, уларни фақат мутахассислар ажрата олади. Шунингдек, лугатимиз таркибига Конституция, физика, математика, электр, радио, телевидение, кардиограмма каби кўндан-кўп сўзлар

ҳаллийлаштириш, приватизация — хусусийлаштириш, либерализация — эркинлаштириш деган табиий муқобил сўзларимизни уйғотди.

Шу билан бирга, ҳеч бир халқ ташқи дунёдан беғоналашиб, ўз қобилига ўралиб яшай олмайдди. Мамлакатлар, халқлараро сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий алоқалар ҳар доим бўлган. Айниқса, хозирги глобаллашув даврида, яъни ахборот-телекоммуникация алоқалари жўшқин ривожланган замонда бундай ҳамкорликлар жуда фаоллашиб кетди. Мана шундай кўп томонлама алоқа ва ҳамкорликлар ўзбек тили лугатининг янги байналми-нал атамалар ва тушунчалар билан бойишига олиб келди. Пировардида бугун халқимиз сенатор, магистр, бакалавр, коллеж, лицей, менежер, брокер, фермер, акция каби хорижий тушунчалардан ҳеч таажубланмайди-дан ва ҳаётимиздан барқарор ўрин топди.


Тараққийт эса тўхтовсиз, халқ тилининг ривожини, бойи бориши ҳам узлуksиздир.

O'ZSANOATQURILISHBANK

«STANDARD & POOR'S» Халқаро рейтинг агентлиги



2009 йил ҳамда 2010 йил биринчи ярим йиллик фаолияти якунлари бўйича «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ОАТБнинг



узoқ ва қисқа муддатли кредитга лаёқатлилик рейтинг даражасини

«B»

барча йўналишлар бўйича «БАРҚАРОР» деб қайта тасдиқлади.

Вақт давомида синалган ишонч! www.uzpsb.uz



Moody's Investors Service

2010 йил 15 октябрда «Moody's Investors Service» халқаро рейтинг агентлиги

Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкининг рейтингларини тасдиқлади.

Рейтинглар прогнози: «Барқарор»

- Банкнинг молиявий барқарорлиги (BFSR) рейтинги E+
— Хорижий валютадаги депозитлар рейтинги B2/Not Prime
— Миллий валютадаги депозитлар рейтинги Ba3/Not Prime

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 903. 39240 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоқи келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 04.10 Топширилди — 04.45

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Топкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — С. Маҳсумов. Мусаҳҳах — С. Исломов.

1 2 3 5

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ЦЕМЕНТ (шп400 К220) 177,0 ▲ +0,8 ЦЕМЕНТ (шп1400 Д80) 166,4 ▼ -8,6 АРМАТУРА 1320,0 ▼ -976,0 ШИФЕР (1 лист) 15174 ▲ +191 АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ +1,1 Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.